



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Бог'от шаҳарчаси, О'zbekiston ко'chаси, 18-уй

2021 -yil 4 - aprel

672и -son

Бог'от шаҳарчаси

Фуқаро Сопоев Тўхтабой  
Жуманазаровичнинг турар жой биносига бўлган  
эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Богот тумани “Найман” маҳалласида яшовчи фуқаро Сопоев Тўхтабой Жуманазаровичнинг “Найман” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 22 февралдаги ШЯ-С-684-сонли аризасини, “Найман” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 508-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Богот тумани “Найман” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 83,52 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 92,12 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 175,64 квадрат метр, қурилиш ости майдони 231,24 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Сопоев Тўхтабой Жуманазаровичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Сопоев Тўхтабой Жуманазаровичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Сопоев Тўхтабой Жуманазаровичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев